



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 18 август, № 174 (7954)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар қўламини кенгайтириш, коронавирус пандемияси даврида фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ақтибжаманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларнинг даромадларини изчил ошириб бориш мақсадида:

1. 2021 йилнинг 1 сентяб-ридан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдори 1,1 баробарга оширилсин.

2. 2021 йилнинг 1 сентяб-ридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори — ойига 822 000 сўм; базавий ҳисоблаш миқдори — ойига 270 000 сўм; пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори — ойига 289 000 сўм; ёшга доир энг кам пенсиялар — ойига 565 000 сўм;

болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа — ойига 622 000 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 440 000 сўм;

иш стажига тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсияларнинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — ойига 440 000 сўм;

белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан 623 000 сўмга-ча пенсия олувчиларнинг ёшга доир ва ногиронлик бўйича пенсиялари миқдори — ойига 623 000 сўм;

1941 — 1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, фашистлар қондаггерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори усталмаларни инобатга олган ҳолда — ойига 2 750 000 сўм этиб белгилансин;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори — ойига 440 000 сўм этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўлансин;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси

олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори — ойига 440 000 сўм ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун 165 000 сўмдан қўшимчи белгилансин.

3. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари, пенсиялар, стипендиялар ва нафақаларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджетига ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамағармаси маблағлари ҳисобидан қоплансин.

Иш берувчиларга иш ҳақи миқдорларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорларини меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига мувофиқ ошириш тасвирга айтилсин.

4. Молия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ушбу Фармоннинг мақсади, вазифалари ва ундан қўллаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари-га 2021 йил 1 сентябрдан иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

6. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул давлат ишхона миқдори усталмаларни инобатга олган ҳолда — ойига 2 750 000 сўм этиб белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Кучкаров зиммасига юклатилсин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2021 йил 1 ноябрь-га қадар ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 17 август

ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ МИНТАҚАВИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 август куни Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер билан телефон орқали мулоқот қилди.

Кўп қиррали Ўзбекистон — Германия муносабатларини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди ҳамда минтақавий ҳамкорликнинг энг муҳим жиҳатлари муҳокама қилинди. Афғонистондаги вазиятнинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу мамлакатдаги ҳарбий-сиёсий кескинликнинг кучайиши минтақавий ва халқаро хавфсизлик ҳолатига жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкин экани таъкидланди. Афғон муаммосининг тинч йўл билан ҳал этилишига кўмаклашиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни яқиндан мувофиқлаштириш ҳамда минтақадаги вазият юзасидан мунтазам сиёсий маслаҳатлашувлар олиб бориш тўғрисида келишувга эришилди. Афғонистондан Германия фуқароларини эвакуация қилиш масалалари бўйича ҳамкорлик ҳам давом эттирилади.

Ў.А.

ПРЕЗИДЕНТ МИРЗИЁЕВ БУТУН ДУНЁДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛАЁТГАН ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧДИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг яқинда матбуотда эълон қилинган “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда” номли интервьюси таҳлилларга бойлиги билан бутун фикри-зикримни эгаллаб олди, десам, муболага бўлмайд.

Акс садо

Гап шундаки, Юртбошимиз озод ва эркин ҳаёт, адолатли жамият барпо этишдек улкан мақсадини ўз олдига қўйган халқимиз 1991 йил 31 августда мукдадас орзусига эришгани — Ватанимиз ўз давлат мустақиллигини қўлга киритганидан бошлаб орадан ўтган салкам 30 йил, айниқса, охириги беш йилда қўлга киритилган улкан ютуқ ва муваффақиятларни гоҳ сиёсатчи, гоҳ иқтисодчи, яна бир жойда муҳандис, бошқа ўринда эса маънавият-чиқдек теран таҳлил қилиб берган.

Давлатимиз раҳбари кейинги 30 йилда Ўзбекистон аҳолиси 15 миллион нафарга кўпайгани ва шунга мос равишда халқимизнинг истеъмоқ талаби ҳамда эҳтиёжи ҳам муттасил ортиб бораётгани, аммо ер ва сувимиз кўпаймаслиги ҳақида сўз юритаркан, ушбу масаланинг ечимини ҳам аниқ келтиради: “Бундай ресурслар нафақат бизда, бутун дунёда чекланган. Бинобарин, биз энди ақлимизни, интеллектуал са-

лоҳиятимизни, билим ва тажрибамизни оширишимиз, айнан ана шу омилларни иқтисодий ўсиш нуқталари ва ресурс манбаларига айлантиришимиз шарт”.

Бунга нима ҳисобига эришиш мумкинлиги ҳам кўрсатилади: “Албатта, бунга билим ва тажриба, тишимиз ўқиб-ўрганиш, излаш, янгиликда интилиш, юқори технологияларни жорий этиш, ислохотларни самарали олиб бориш ҳисобидан эришиш мумкин”.

Бундай мисоллар интервьюда жуда кўп. Уларни ўқиб, ўқиб жараёнида кўнглимдан интервьюда келтирилган ҳар бир соҳадаги саъй-ҳаракатларни ва уларнинг натижа-ларини биз, олимлар кенг таҳлил қилиб, уларни халқимиз ва жаҳон ҳамжамиятига етказасак, нур устига аъло нур бўлар эди, деган фикр кечди. Шунинг таъсирида даврий

нашрларни варақларканман, “Халқ сўзи” газетасининг 2021 йил 11 август сонидан эълон қилинган “Инсон концепцияси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан яратилди” номли мақола эътиборимни тортиди.

Мақола муаллифи ниҳоятда катта ҳаётий тажрибага эга, ҳаётнинг паст-баланди, оғиру енгиллини кўрган йирик олим, улғу инсон, давлат ва жамоат арбоби, сиёсатчи, оддий деҳқон, таҳрибали муҳандис, сенатор, профессор Рустам Холмуродовдир.

Мақолада охириги беш йилда янги Ўзбекистоннинг туб ўзгариш ва ислохотлари Шавкат Мирзиёев томонидан яратилганига ва бу ижобий жараёни бутун жаҳон тан олганини ҳаётий мисоллар билан далиллайди, ўқувчиларнинг қалби-га етказди. Дарҳақиқат, жаҳоннинг нуфузли экспертлари Президентимизнинг 15 та туб ислохотини тан олиб, бутун дунёга ошқор этди.



Жамоатчилик эшитуви

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ҚАНДАЙ БОРЯПТИ?

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси ҳамда “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ҳамкорлигида “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастури ижроси юзасидан галдаги жамоатчилик эшитуви ташкил этилди.

Унда дастурнинг тегишли бандлари ижроси бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Молия вазирлиги масъул раҳбарлари ахборот берди. Жумладан, бу ҳужжатнинг 177-бандига мувофиқ, республика аҳолисини коронавирусга қарши профилактика эмлаш ишларини уюштириш ҳамда 184-бандда таъкидланган аҳолига давлат томонидан бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари билан қафолатланган пакет доирасида тиббий хизмат кўрсатиш тизимини изчил йўлга қўйиш

каби вазифалар ижроси бўйича масъуллар ахбороти тингланди.

Жамоатчилик эшитувида корона-вирус инфекциясига қарши эмлаш жараёнининг бориши, Ўзбекистонга олиб келинган вакциналар ва уларга ажратилган маблағлар ҳамда вакцинация чоғида дуч келётган муаммолар тақдим этилди.

Шунингдек, бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари билан қафолатланган пакет доирасида тиббий хизмат кўрсатиш бўйича амал-га оширилаётган ишлар, жумладан, қафолатланган пакет неча турдаги

тиббий хизмат ва дори воситаларини қамраб олиши, бунинг учун қанча маблағ талаб этилиши сингари масалаларга ойдинлик киритиб ўтилди.

Тадбирда жамоатчилик вакиллари томонидан вакцинация жараёни суиҳат кечаётгани ва ижтимоий тармоқларда тиббий муассасаларда айрим ҳолларда дори воситалари етишмаслиги бўйича аҳоли томонидан чиқишлар бўлаётгани ҳамда бу масалалар доимий равишда жамоатчилик назоратида эканлиги ҳам таъкидланди.

Маълумот учун айтиш керакки, бу йилги Давлат дастури 273 банддан иборат бўлиб, у ҳақдаги барча маълумот “Jamooatchi.uz” платформасига жойлаштирилган. Платформада дастур ижроси юзасидан фирмулоҳазалар қолдириш имконияти ҳам мавжуд.

«Халқ сўзи».



МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АХБОРОТИ

2021 йил 14 август куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда округ сайлов комиссияларининг шахсий таркиби тасдиқланди ва оммавий ахборот воситалари вакиллари акредитациядан ўтказилди. Шунингдек, 2021 йил 24 октябрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партияларга ижозат бериш тўғрисида аризалар келиб тушиши навбатда куйидаги қарорлар қабул қилинди:

1. Ўзбекистон Экологик партиясига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида Марказий сайлов комиссиясининг 1094-сон қарори;
2. Ўзбекистон Халқ демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида Марказий сайлов комиссиясининг 1095-сон қарори;
3. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида Марказий сайлов комиссиясининг 1096-сон қарори;
4. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида Марказий сайлов комиссиясининг 1097-сон қарори;
5. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида Марказий сайлов комиссиясининг 1098-сон қарори.

Мазкур қарорлар Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинди.

Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати.

САЙЛОВЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ЎТКАЗИШДА

Фуқаролик жамияти институтларининг иштироки қай даражада муҳим?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати билан ҳамкорликда “Сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки” мавзусида давра суҳбати ўтказди.



Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллигига



Фарғона вилояти:

БУНЁДКОРЛИК ВА ЯРАТУВЧАНЛИКНИНГ УЛУҒ ҚУДРАТИ

Фарғона вилояти ҳам кейинги йилларда қалбага ғурур ва ифтихор бахш этадиган ҳаётбахш ислохотлар туфайли тобора янгиланмоқда, тараққиёт ҳамда истиқбол сари дадил одимланмоқда.

Тийрак нигоҳли ҳамюртларимиз бугун бунёдкорлик ва яратувчанликнинг улғу қудратини кўриб, тарихий ўзгаришлар жараёнининг шунчаки

кузатувчиси эмас, балки фаол ва фидойи иштирокчиси бўлишга интиляпти. Фарғонанинг ойдин кўчалари, қадди баланд бинолари бобомерос қадрият ва аъналаримизни ўзида тўлиқ муҳассам этаётгандек гўё.

Зеро, олам чиройини хулқи гўзал, серқирра фазилатли эл яратади. Фарғоналиклар эса ана шундай сифатлар соҳибидир...

4-саҳифага қаранг. ➔

ПРЕЗИДЕНТ МИРЗИЁЕВ БУТУН ДУНЁДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛАЁТГАН ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧДИ

Мақолада Ўзбекистонда кейинги беш йилда барча соҳада олиб борилган тенги йўқ, инқилобий ислохотлар кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, Юртбошимиз томонидан амалга оширилётган ислохотларда жаҳон афкор оммаси дунё сиёсатида янги бир тўлқинни кўраётганини эътироф этади.

Мақола муаллифи Ўзбекистонда сўнгги беш йилда халқимиз ва юртимиз ҳаётида рўй бераётган tub ўзгаришлар, инқилобий янгиликларни амалга ошираётган Шавкат Мирзиёев тимсолида ана шу буюк ва маънавий дунёга юзланиши ҳамда дунё билан тенглашиши Юртбошимиз тимсолида кўради.

чилик муносабатларининг ўрнатилганлиги алоҳида таъкидланган. Дарҳақиқат, чегаралар очилиши нафақат Ўзбекистон халқининг, балки қардош ва қўшни мамлакатлар халқларининг азалий орзуси эди.

Осиё давлатларида 25 йил давом этган инсон ҳуқуқларининг халқроқ даражада бузилишига Ўзбекистон раҳбари томонидан бутунлай чек қўйилди.

киёт йўли, янги Ўзбекистон эканлигини рад этиб бўлмас мисоллар билан далиллана беради.

ИМКОНЯТ МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИ УЧУН ҚЎШИМЧА РАҒБАТЛАР БЕРИЛМОҚДА

Юртимизда ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, уюшган ҳолда чет элга ишлашга қабул қилиш бўйича халқроқ битимлар тузиш, меҳнат жойига хавфсиз бориш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш борасида қатъий чоралар қўрилмоқда.



Президентимизнинг 2021 йил 30 июлдаги «Хорижда ташкиллаштирилган меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эса бу борадаги ишларни изчил давом эттириш мақсадида қабул қилинганлигини ҳам таъкидлаш зарур.

Мазкур ҳужжатлар асосида, қонуний йўл билан хорижда кетаётган юртдошларимизга қўшимча рағбатлар берилди. Жумладан, 1 сентябрдан бошлаб «labor-migration» дастурий мажмуасида рўйхатга олинган, касбларни ёки чет тилларини ўрганаётган ва меҳнат миграцияси йўли билан хорижий мамлакатларда ишлаш учун кетаётган фуқароларга айрим харажатларни қоплаш учун Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамга аҳоли билан маблағ берилади.

Аниқ айтганда, чет тиллари ёки касб бўйича малакавий имтиҳонларни муваффақиятли топширганларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваригача, сафар чиптасини сотиб олаётганда базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваригача, ишловчиларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваригача, аҳоли билан маблағ берилади.

Равшанбек АЛИМОВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқроқ муносабатлар, ташқи қўшимча алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси.

АСОСИЙ МАҚСАД — ХАЛҚИМИЗ УЧУН ЭРКИН, ОБОД ВА ФАРОВОН ҲАЁТ ЯРАТИШ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида матбуотда Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан интервью эълон қилинди.

амалий ишлар мамлакатига айланмоқда» сарлавҳаси остида берилган интервьюда кейинги йилларда юртимизда барча соҳада амалга оширилган ислохотларнинг самаралари чуқур таҳлил қилинган.

Ушбу интервью халқроқ экспертлар, турли соҳа ва кенг жамоатчилик вакиллари, шу жумладан, парламент аъзолари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Эркин ЗОҲИДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси:



— Давлатимиз раҳбари сўхбат давомида Ўзбекистонда кейинги беш йилда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, туб демократик ўзгаришлар мамлакатимиз ривожланишининг тарихан янги даври — янги Ўзбекистонни барпо қилиш мақсади билан узвий боғланишда эканлигини кўрсатиб, бунга эришиш Президент сиёсатидаги фаолиятнинг асосий ўнатирилган ташкил этишини билдирди.

нан шундан кейин чиқиб, Президентимизнинг ташаббуслари билан улуғсиёз таълим тизими қамровини ошириб бориш ва унинг турли бўсқичларида ўқишни ният қилган ёшларга ҳар томонлама имконият беришга қаратилган катта ишлар амалга оширилган.

Олий таълим қамрови бўйича амалга оширилган ишлар ҳам салмоқли. 2016 йилда мактаб битирувчиларининг, бори-йўри, 9 фоизини олий ўқув юртига кирган бўлса, бу кўрсаткич бугунги кунда 3 баробар ошди, 28 фоизини ташкил этмоқда.

Кувонарилиси, бундай кўрсаткичлар билан бирга янги, замонавий бозор талабига жавоб берадиган мутахассисликларнинг янги йўналишлари, хорижий университетлар билан ҳамкорликда ташкил этилаётган олий таълим ташкилотларида берилладиган билимлар ёшларга нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа давлатларда ҳам юксак самара билан ишлаши ва яхши маош олишига имконият яратди.

«Халқ сўзи».

Ойдин АБДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты:

— 1991 йил 31 август санасидан буён ўтган вақт, босиб ўтилган машаққатли йўл, эришилган натижалар ҳақида сўз борар экан, давлатимиз ўз олдига қўйган буюк мақсад — янги Ўзбекистонни барпо этиш экани суҳбатда алоҳида айтилди.

«Таъкидлаш керакики, янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир».

Янги Ўзбекистон — демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэътироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамjamiяти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланидиган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиш беришдан иборат бўлган «давлатдир», деди давлатимиз раҳбари.

Маълумки, сўнгги йилларда Президентимиз юртимиздаги маданий соҳанинг ривожини ҳам ўзининг алоҳида назоратида олди. Бу йўналишда ҳеч бир тarmoқ эътибордан четда қолмади. Хусусан, кино санъати, рақс санъатининг ривожланишига қаратилган Фармон



ва қарорлар кўп йиллардан бери оқсаётган соҳанинг жонланшини таъминлаб берди.

Шаҳрисабзда бўлиб ўтган Халқаро мақом санъати анжумани, Термизда бўлиб ўтган Халқаро бахшичилик санъати, Қўқонда ўтган Халқаро хунармандчилик фестиваллари юксак савияда ташкил этилиб, дунё ҳамjamiyatининг эътирофи сабаб бўлди.

«Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» дея баралла янги раган гоя ўзининг табигини топар экан, миллий тарихимизни ҳолис ва ҳаққоний тадқиқ этиш учун бугунги кунда Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази, Фанлар академияси қошида Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази, «Ўзбекистон тарихи» телеканали фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, ислом дини ривожини қўллаб-қувватлаш мақсадида илмий-маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш мақсади-

да Самарқандда Имом Бухорий, Сурхондарёда Имом Термизий халқроқ илмий-тадқиқот марказлари ҳамда Тошкентда Ўзбекистон халқроқ ислом академияси, Имом Мотуридий халқроқ илмий-тадқиқот маркази иш олиб бормоқда.

Тошкент шаҳрида жадал ҳаракатлар билан барпо этилаётган Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази халқимизнинг бой диний-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва дунёга тарғиб этиш, ёш авлодиимизни миллий ҳамда умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашда беқийс ўрин тутадиган илм-маърифат марказига айланиши керак.

Президентимиз ҳар бир чиқишларида айнан маданий соҳани ривожлантиришимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг сифат даражасини белгилаб бериши мўҳим омил эканига урғу беради.

Шу боис ҳам Туркменистонда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи Маслаҳат учрашувида сўзлаган нутқида маданият соҳасига алоҳида тўхталиб, мамлакатларга ўзаро бирлашиш, кучларни бир ерга тўплаб, маданий-маърифий тараққиётнинг янги истиқболини яратиш тақдирини илгари сурган эди. Зотан, Ўзбекистон учинчи Ренессансга пойдевор қўяр экан, жараённи кенг қамровли қилиб олиш, давлатимизни Марказий Осиё минтақасининг ривожланишида пешқадам ва ташаббускор бўлиши кераклиги таъкидланмоқда.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМАН

Токио шаҳрида бўлиб ўтган XXXII ёғи Олимпия ўйинларида юқори натижаларга эришган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳи Президентимиз Фармонига мувофиқ фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.



Дил сўзи

Айниқса, Президентимизнинг мен ҳақимда айтган гаплари мусобақадаги мағлубиятимдан бир оз тушкун кайфиятимни унутиб, келгуси мусобақаларга янада кучлироқ тайёргарлик қўришимга мотивация берди.

орасидан жой олиб қайтдим. Бу, албатта, юртимизда спортга қаратаётган эътибор ва Президентимизнинг хотин-қизлар спортини ривожлантириш бўйича алоҳида ғамхўрлигининг самарасидир.

Зайнаб ДАЙИБЕКОВА, Қиличбозлик бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, «Жасорат» медали соҳиби.

МАЪНАВИЯТ — ЭНГ ТАЪСИРЧАН ВА ҚУДРАТЛИ ҚУРОЛИМИЗ

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, маънавий имунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Миллий юксалиш сари

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга жорий қилиш асосида мамлакатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётини тубдан янгилаш, «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» гоясини реал воқеликка айлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

кучайтириш борасидаги ҳамкорлиги янада кенгайтиди, ҳар бир ташкилот ва муассасада, қорхоналарда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошди, маънавият хоналари ташкил қилинди, масъул ходимлар бириктирилди.

Энг асосийси, ҳамкорлик асосида маънавият соатларини ўтказиш орқали ташкилот ва муассасалардаги ходимлар орасида маънавий билим ва кўникмалар ривожлантирилди.

Минг афсуски, ташкилот ва муассасаларга организмизда маънавиятнинг кимга кераги бор, деган шахслар ҳам учраб турарди. Хатто айрим турманларда маънавият ва маърифат бўлиналари ўз хонасига эга эмасди.

Президентимизнинг маънавий-маърифий ишлар тизimini тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги кучайтириш масалалари бўйича 2021 йил 19 январь кунги видеоселекторда илгари сурган «Агар жамяят ҳаётининг танаси иқтисодий бўлса, унинг жони ва руҳи маънавийдир», деган эзгу гояси ҳозирги кунда иқтисодиёт билан маънавиятнинг тенг ривожланишига замин бўлмоқда.

Ушбу ййгилишда белгиланган вазифалардан кейин давлат ва жамоат ташкилотларининг маънавиятга қарайтирилган ишлари кучайтирилди.

ижтимоий мавзулардаги долзарб мақолалар, жамоатчилик вакиллариининг илгор фикрлари, шунингдек, маънавият жараёнлар таҳлили, соҳага оид янгиликларни тўплаш, тайёрлаш ва тарқатиш мақсадида «oyna.uz» электрон портални яратиш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Портал фаолиятини йўлга қўйиш учун марказга қўшимча 15 та штат бирлиги ажратилди, унинг тузилмасида Рақамли тарғибот бўлими ташкил этилди. Бундан ташқари, марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлиmlарига қўшимча 2 тадан, туман (шаҳар) бўлиmlларига аҳоли сони 200 мингдан ортиқ бўлганда 2 тадан, 200 мингдан кам бўлган тақдирда эса биттадан қўшимча штат бирликлари ажратилди.

Ҳозирги кунда мамлакат бўйлаб марказини «Намунали туман ва шаҳар» кўрик-танлови ўтказилмоқда. Эллиққалъа туманимиз ҳам айнан шу танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси ғолиби сифатида эътироф қилинди. Шу билан бирга, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда «Маънавият» тарғиботчилар жамяяти ва бир қанча ташкилотлар билан ҳамкорликда Маънавият фестивалининг ўтказилиши халқимизнинг маънавий дунёқарашини ривожлантиришга ҳизмат қилмоқда.

«Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» шiori остида «Янги Ўзбекистон» — янги Ренессанс» мавзусидаги учрашувлар халқнинг қалбида шўрхоналик туйғуларини шакллантиришга қаратилган аҳамиятлидир.



Фаргона вилояти:

Бунёдкорлик ва яратувчанликнинг улуғ қудрати

Ўзимизнинг брендимиз остида

Серкўёш заминимизда етиштирилаётган узум маҳсулотлари етти иклимга машхур. Шу боис мамлакатимизда мазкур тармоқни ривожлантириш, тоқзорларни, узумнинг саноатбоп навларини кўпайтириш, соҳага илм-фан ютуқларини, янги технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Корхонамиз тасарруфидаги 500 гектардан зиёд узум плантацияларида дунёнинг турли давлатлари — Франция, Испания, Грузия, Озарбайжондан келтирилган ноёб узум навлари парваришланмоқда. Корхонамизда узумдан тайёрланган 20 турдан ортиқ маҳсулотлар Болтиқбўйи, Қозоғистон, Тожикистон, Россия, Хитой мамлакатларига экспорт қилинапти. 2020 йили 300 минг евролик маҳсулот жўнатган бўлса, жорий йилнинг олти ойида экспорт ҳажми 270 минг еврога ташкил этди.

Замонавий шарт-шароитларга эга узумчилик мажмуамизда экотуризм ҳам тезкор ривожланипти. Селекция ишларини жадаллаштириш, интенси夫 усулда кўчат етиштириш ва парваришлас, жаҳон бозорига харидоригр бўлган данаксиз узум навларини кўпайтириш ҳамда қайта ишлаш саноатига янги технологияларни жорий этиш, ёғги ва қишки экотуризм йўналишларини янада кенгайтириш олдимизда турган энг муҳим вазифалар сирасига қиради.

Шу мақсадда эндиликда давлатимиз томонидан узум плантациялари учун субсидиялар акратилаётгани, янги тоқзорлар барпо қилиш, эски боғ ва узумзорларни янгилаш тизими яратилаётгани гоё кўнонарлидир. Қишлоқ ҳўжаллигида фойдаланилмайдиган, ҳўсилдорлиги паст бўлган ташландик ерларда узум етиштирилаётган биз каби тадбиркорлар учун бундай имтиёзлар жуда ҳам зарур.

Бугун жаҳон бозорига майиз ва табиий вино маҳсулотлари ниҳоятда харидоригр. Айни жиҳатларни инобатга олиб, корхонамиз фаолиятини илгор тенденциялар асосида ривожлантириш, янги-янги тоқзорларга асос солиш, маҳсулот турларини кенгайтириш, экотуризм салоҳиятини юксалтириш учун истиқболли бизнес-режалар ишлаб чиқишни мақсад қилганимиз.

Азизбек КОМИЛЖОНОВ,
«Fergana France» МЧЖ шаклидаги кўшма корхона раҳбари.

Биз сенинг дилбандларинг, Ватан!

Юртимизда ёшларни ҳар томонлама етуқ, салоҳиятли инсонлар этиб вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги туфайли ёшларимиз демократик жараёнлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўлиб келаётми.

Айниқса, Президентимизнинг яқинда ёшлар кўнига бағишлаб “Учинчи Ренессанс бунёдкорлари” широри остида ўтказилган Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форумида иштирок этиб, нўтқ сўзлагани барчамизнинг ҳаётимизда тарихий воқеа бўлди.

Форумда устувор йўналишлар сифатида мактабгача таълим тизимидан тортиб, олий таълим, фан, маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спорт каби соҳаларни тўдан ислоҳ қилишга қаратилган аниқ вазифалар белгиланди.

Янги ўқув йилидан 22 — 28 фоизли уч йиллик таълим кредити 14 фоизга туширилиб, 7 йилга бериладиган бўлди. Кредитни қоплашга йўналтириладиган маблағлар эса солиқдан озод қилинди. Дунё миқёсида “ТОП-1000 талик” ка кирган олий таълим муассасаларини битирган ва чет элда илмий иш қилган ёш мутахассисларга қўшимча ҳақ тўлаш тизими жорий этилди. Ипотека дастури доирасида уй-жой сотиб олиш учун ёш оилаларга мақсадли 2 миң-та квота ажратилиб, ушбу мақсадлар учун бюджетдан 60 миллиард сўм йўналтирилди. “Темир дафтар”га кирган оилаларнинг янги

турмуш кураётган фарзандларига ўз хонадонидан қўшимча уй-жой тиклаши учун 33 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратиш тизими йўлга қўйилди.

Бу йил Ёшлар кўни арафасида давлатимиз раҳбари томонидан юксак орден ва медаллар билан тақдирланган йигит-қизлар орасида Хуршид Норматов, Оллоёр Абдуразақов, Мардонхўжа Мўхторов, Сардор Ҳакимов, Мавсим Умаров сингари ўнлаб фарғоналик ёшларнинг борлиги барчамизни қўнантиради, албатта.

Бундай эътибор ва рағбатдан қўн олган, янги ташаббус ва янги мақсадлар сари қадам кўяётган ёш авлод юртимиз истиқбол, ёруғ келажагимиз бунёдкори, деган эътирофга муносиб меҳнат қилишдан асло чарқамаймиш. Зеро, бугун катта гайрат билан энг шимариб ишлайдиган давр келди.

Элёр ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ёшлар ишлари агентлигининг Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари,
«Шўҳрат» медали соҳиби.

Бағдодда мебель саноати жадал ривожланипти

Президентимиз раислигида шу йилнинг 24 июни кўни ўтказилган инвестиция жалб этиш, ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини оширишга бағишланган видео-селектор йиғилишида мамлакатимизнинг 15 та ҳудуди, хусусан, Бағдод туманида кластер шаклидаги мебельчилик кичик саноат зоналарини ташкил этиш вазифаси белгиланди.

Ҳозирги кўнда Бағдод туманида мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари сони 62 та (шундан 29 та юридик мақомга эга), 2020 йили юридик мақомга эга мебельчилик корхоналари томонидан 51,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва унинг 45 фоизи экспортга йўналтирилди.

Бағдод тумани ҳокими Восилжон Назаров томонидан “Қорақўл” МФЙ ҳудудида фойдаланилмай турган буш бино негизига “Карвон SSS” корхонаси таъсисчилигида “Ме-

бель маҳсулотлари бозори”, мебельчилик кластери ташкил этиш таклифи илгари сурилди. Боси мебельчиликка истиқослашган оилавий тадбиркорларнинг аксарияти мазкур ҳудудда фаолият кўрсатади.

“Карвон SSS” корхонаси бугунги кўнда Бағдод ва қўшни туманлардаги 200 дан ортиқ тадбиркорлик субъектларига бирламчи маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар етказиб бермоқда. Корхона томонидан айни пайтда беш қаватли мебель савдо мажмуасини барпо этиш бўйича 30 миллиард сўмлик бизнес-лойиҳа тайёрланган.

Энг қўнонарлиси, тадбиркорлар кўлга киритган сармоси орқали нафақат ўз оиласи бюджетини тўқис қилмоқда, балки мамлакатимиз тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшаётми.

Сиддизмжон САИДУМАРОВ,
тадбиркор.

Тошлоқнинг замонавий қиёфаси

Юртимизда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари тобора қизигн тус олмақда. Таъбир жоиз бўлса, мамлакатимиз ҳудуди том маънода улкан қурилишлар майдонига айланган. Шу асно эскириб, абгор ва яроқсиз ҳўлга келиб қолган ёки давр талабларига жавоб бермай қўйган иморатлар ўрнига янгиларини барпо этишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

Шаҳар-қишлоқлари-мизда кўркам тураржойлар, замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари жадал қад ростламоқда, саранжом-сарашта маҳалла-гузарлар кўпаймоқда.

Бугунги янгилинишлар жараёнида Тошлоқ тумани маркази ҳам замонавий шаҳарсозлик меъморчилиги асосида янги қиёфа касб этиб, ичимлик ва оқова сув тармоқлари, электр, табиий газ таъминоти, транспорт-коммуникация хизматлари сифати яхшиланяпти.

Шу йилда 51 маҳалла фуқаролар йиғинида 53 километр ички йўллари асфальтлаш режалаштирилган бўлиб, бунинг учун 14,5 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган. Бугунги кўнга қадар 30 километрдан ортиқ ички йўллари асфальтланди. Бу борада белгиланган вазифаларни истиқлол байрамининг 30 йиллигига қадар яқинига етказиш ҳаракатида.

Шу кўнларда “Сўфилар” МФЙнинг учта кўчасида

1,5 километр йўлни асфальтлаш ишлари икки смнада олиб бориляпти. Бунинг учун 11 та техника, 20 нафар маалаки ишчи-мутахассис жалб қилинган.

Асосан, ёш оилалардан иборат аҳоли вакилларининг қўнчинни бир кўрсангиз эди. Иссиқ кўнда оила бекалари муздек айрон, мева шарбати олиб чиқса, нурунийлар қуритилган мевалар, қовун-тарвуз билан сийлайди.

Ҳозирги кўнда хом ашё захирасини етарли миқдорда жамғариб олганмиз. Қудратли техникаларимиз туманда ташкил этилган асфальт завоидан маҳсулотни ўз вақтида етказиб келаяпти. Таъкидлаш ўринлики, қурилиш соҳасида янги йўллар қуриш, асфальт ётқиши энг мураккаб ва катта маблағ талаб қиладиган соҳа ҳисобланади. Бугунги кўнда 1 километр йўлни асфальт қилиш учун ўртача 250 миллион сўм маблағ сарфланаётми.

Акмалжон УЗОҚОВ,
«Тошлоқ йўллардан фойдаланиш» унитар корхонаси директори.

Саҳифа материалларини Ботир МАДИЁРОВ «Халқ сўзи» тайёрлади.

Элимизнинг ризқ-насибаси бутун

Айни пайтда 26 ёшда бўлсам-да, юртимизда тадбиркорлик фаолияти учун яратилган қўлай имконият ва шароитлардан фойдаланиб, ҳамюртларимиз учун 120 та янги иш ўрни яратишга эришдим.

2019 йили галлачилик кластери фаолиятини йўлга қўйиб, ўтган йили ҳар гектар ердан 95 центнердан ҳосил олдик. Шартнома режаси бажарилиши муносабати билан Президентимизнинг мамлакатимиз галлакорларига йўлаган таъриғига бизнинг фермер ҳўжалигимиз ютуғи ҳам эътироф этилди.

Бу йил фермер ҳўжалигимиз аъзолари билан биргаликда 210 гектар галла майдонининг ҳар гектаридан 102 центнердан ҳосил йиғдик. Умуман олганда, жорий йилда галлачилик кластери тасарруфидаги 25 та фермер ҳўжалигининг 1,5 миң гектар еридан 4 миң 100 тонна ҳирмон уқлди. Уртача ҳўсилдорлик 75 центнерни ташкил этди.

Банкнинг 18 миллиард сўм кредити эвазига Туркиядан кўнига 60 тонна донни қайта ишлаш қувватига эга замонавий технология олиб келиб ўрнатилди. Яқин истиқболда олий ва биринчи навли ун ишлаб чиқариш тармоғини янада кенгайтиришни мақсад қилганимиз. 2021 йилнинг туртинчи чорагида қўшни давлатга 5 миң тонна ун етказиб бериш бўйича шартномамиз бор.

Шунингдек, омихта ем ишлаб чиқариш, сут йўналишида наслик чорва фаолиятини йўлга қўйиш борасида бизнес режамиз тайёр. 20 га яқин техникалар, 3 та комбайн фермер ҳўжалигимизнинг соф даромади ҳисобига сотиб олинган.

Езёвон тумани вилоятнинг деҳқончилик учун ноқўлай ҳудудига жойлашган. Аммо бугунги кўнда инновацион гоьлар асосида даромад манбаини йилдан-йилга яхшилаш имконига эгамиз. Фермер ҳўжалигимизнинг 200 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан ўтган йили 41 центнер ҳосил олган бўлса, бу йил 45 центнерга етказишни режалаштиряпмиз. Икки юз гектар пахта майдонига томчилятиб суғориш технологиясини тўлиқ жорий этиш мақсадида Россиядан энг сўнгги русумдаги жиҳозлар олиб келинди.

Мирзоҳид ОЛИМОВ,
Езёвон туманидаги «Баҳром-Бек» галлачилик кластери раҳбари.

Марғилон ипаги мўъжизаси

Ҳар бир касбнинг ўз сир-саноати бор. Хусусан, ўзининг ранги ва ажойиб гуллари, нафислиги билан ажралиб турадиган, оддий ипақдан тўқиладиган маҳсулот тайёр ҳўлга келгунча 32 хил иш жараёнидан ўтиб, қўли ва қалби гул чеварлар астойдил меҳнат қиладди.

Узунлиги 200 метр, эни 40 сантиметр бўлган атлас-дона ипақ толаси бир-бири билан ўйғунлаштирилади. Бу жараёнда битта тола узилса, маҳсулот сифатида пўтур етиши аниқ. Шунинг учун ҳам иш жараёнида ҳўнарманднинг маҳорати муҳим аҳамият касб этади.

Марғилон ипақлари хом ашёси, безаги ва тўқуш усули бўйича бир-биридан фарқланади. Бекасам, адрас, парпошша, банорас, ҳарир, шойи, якрўя, атлас, жонатлас, олача, қалами, бўз каби матоларнинг ҳар бири ўзига хос ва бетакрордир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кейинги йилларда пиллачи-

лик тармоғи ривожига жиддий эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда “Нурли тонг силк” пиллачилик кластери қошида ташкил этилган корхонамизда 100 та иш ўрни яратилган. Бундан ташқари, 20 нафар атлас ва адрас тўқувчи жиҳоз ҳўнармандларни касаначи сифатида ишга жалб этганмиз.

Вилоятнинг Ўзбекистон, Фурқат, Қўшпета, Риштон туманлари ҳамда Қувасой шаҳрида етиштирилган пилла ҳосилини ўзаро шартнома асосида қабул қилиб оламиз. Бу йил ҳам бешта ҳудудда 561 тонна сифатли пилла етиштирилди.

2020 йили Ҳиндистон, Хитой, Жа-нубий Корея, Вьетнам, Миср сингари давлатларга 3 миллион дол-

ларлик маҳсулот экспорт қилдик. Шу йилнинг олти ойида экспорт ҳажми 1 миллион 200 миң долларга етди. Мақсадимиз — экспорт миқдорини ўтган йилги даражадан анчагина ошириш.

Мамлакатимизда илк маротаба Хитойга катта ҳажмда Марғилон ипагини экспорт қилиш бўйича келишувга эришдик. Шу тарика 4 хил мато — шойи, сатин, атлас, адрас етказиб берилди. Ушбу маҳсулотлар бозорда ўз ўрнини топса, кейинчалик жуда катта миқдорда шартнома имзоланади.

Маҳмуджон МАҲМУДОВ,
«Нурли тонг силк» пиллачилик кластери иш бошқарувчиси.



Кўхна водий меҳмонларни чорлайди

Фарғонанинг туризм салоҳияти тобора ривожланиб, имкониятлари кенгайиб бормоқда. Янги йўналишлар ташкил этиш, сайёҳларга қўлай транспорт-логистика, меҳмонхона, умумий овқатланиш сингари хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолиятини йўлга қўйиш, тарихий қадамжолар, гуравкор тоғлар, ҳўнармандчилик марказлари, табиати сўлим масканларда дам олишга таклифлар бўйича тарғибот ишларига алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Марғилон ипақ матолари, Риштон кулоллик буюмлари, Кўқон ёғоч ўймакорлиги намуналарининг ўтмиш ва бугунги сайёҳларни ўзига мафтун этиб келади. Бу йўналишда туризм объектларининг йўлга қўйилаётгани эса хоржилик сайёҳларда катта қизиқиш уйғотаётми.

Фарғонадан мамлакатимизнинг Хива, Самарқанд, Бўхоро сингари тарихий масканларига поевзлар ҳаракати кўпайтирилиб, авиақатновлар очилди. Самолётда дунёнинг турли китъаларига бориш-келиш имкониятлари яхшиланяпти.

Янгилиниш ва ўзгаришларни “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида амалга оширилаётган ишлардан ҳам билса бўлади. Дастурга кўра, 2021-2022 йилларда 18 та туристик ва маданий мерос объектини ободонлаштириш, йўл ва бошқа инфраструктураларни тартибга солиш учун 34 миллиард сўмга яқин маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Бу борада вилоят ҳокимининг қарори қабул қилиниб, “Йўл харитаси” ҳам тасдиқланди. Бугунги кўнда лойиҳа

ҳужжатларини тайёрлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Айни жараёнда қўшни давлатлар билан маданий, ижтимоий-иқтисодий алоқаларимиз изчил ривожланиб бораётгани эътиборга молик. Биргина Қирғизистон Республикаси билан азалий қўшничилик муносабатлари доирасида вилоятимизнинг Ўш, Норин ва Баткен вилоятлари билан ўзаро борди-келди муносабатлари жадал ривожланипти. Яқинда Риштон тумани орқали Баткен вилоятига йўл очилган бўлса, кўни кеча Шохимардон туристик маскани ўз фаолиятини қайта бошлади.

Фарғона, Марғилон ва Кўқон шаҳарларида мунтазам равишда турли фестиваллар, халқаро анжуманлар ўтказилаётгани ҳам эътиборга лойик. Бу каби изчил сайёҳаракатлар вилоятнинг туристик салоҳиятини янада кенгроқ тарғиб қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Баҳодиржон ҲОШИМОВ,
Фарғона вилояти туризм ва спорт бош бошқармаси ахборот хизмати бошлиғи.

Янгиланаётган Фарғона тимсолида улғурлик билан бирга гўзаллик, кўркамлик, муҳташамлик мужассам. Вилоятнинг асрларни қаритган қадрдон қишлоқлари, замон нафасига ҳамоҳанг шаҳарлари, то-

бора кенг қўлоқ ёзаётган янги мавзела-ридаги ўзгаришлардан кўнғил юксалади, баҳридлигини очилади.

Табиати дилқушо, меҳмоннавоз Фарғонанинг бугунги хусну жамоли жаҳон

ҳамжамияти ичра қаддини баланд кўтарётган янги Ўзбекистоннинг ёрқин тимсолидир.

Саҳифа материалларини Ботир МАДИЁРОВ «Халқ сўзи» тайёрлади.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 32 300 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. НАВБАТЧИ МУҲАРРИР — З. Худойшукуров. МУСАҲҲИХ — С. Исмолов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.15 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6